БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 22 (4121)
28 ЯНВАРЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИНИ ЛЕНИНЧА ЗАРБДОР МЕҲНАТ ЙИЛИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

ТОШКЕНТНИНГ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ 1980 ЙИЛ РЕЖАЛАРИНИ БЕЛГИЛАДИЛАР

Ўзбекистон пойтахтидаги районларда партия-хўжалик активи йиғилишлари Ленин юбилейига тайёргарлик натижасида юзага келган юксак сиёсий ва меҳнат активлиги вазиятида ўтди. Уларда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг 1979 йилдаги ишига якун ясалди, коллективларнинг беш йилликнинг якунловчи йилидаги вазифалари белгиланди.

Районларнинг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари асосида 1980 йил учун иқтисодий ва социал тараққиётнинг янги юксак марраларини белгилаб, оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар, 1980 йил планини ва умуман беш йиллик планини муваффақиятли бажариш, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш, оз маблағ ва куч сарфлаб, план топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, моддий-техник ресурсларни тежаш бўйича социалистик мусобақа тўғрисида шартнома туздилар.

Чилонзор райони

Планга қўшимча 4.812 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди, қурилишда 41.2 миллион сўмлик ҳажмида капитал маблағ ўзлаштирилди, топшириққа қўшимча 1,3 миллион тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Чилонзор районидаги корхоналар ва ташкилотларнинг 1979 йилдаги асосий иш якуни мана шундан иборат. Чилонзорликлар беш йилликнинг якунловчи йилида янада юқори марраларни белгилашди: саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 10 процент оширилади, 57 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилади, йиллик товар обороти плани шу йилнинг 26 декабрида бажарилади.

Район партия-хўжалик активи йиғилиши мана шу масалаларга бағишланди. Докладчи— Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқов, музокарада сўзга чиққан 2-пойафзал фабрикаси касаба союз комитети раиси Т. Жўраев, «ВАЗ» махсус автомаркази тунукасози Д. Муслимов, «Главташкентстрой» автотранспорт бошқармаси бошлиғи С. Василенко ва бошқа ўртоқлар диққат-эътиборни ҳал этилмаган масалаларга, йиллик ва беш йиллик халқ хўжалиги планларини муддатидан илгари бажариш учун меҳнат белгилашуви таъсирчанлигини ошириш зарурлигига қаратдилар.

Йиғилиш қатнашчилари 1980 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Йиғилиш ишида Октябрь райони меҳнат коллективлари вакиллари қатнашишди. Октябрь район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Ҳилолов 1979 йилдаги планларнинг бажарилиш якуни ва райондаги корхоналар ва ташкилотлар партия ташкилотлари, ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг беш йилликнинг якунловчи йилидаги вазифалари ҳақида гапирди. Йиғилиш охирида Чилонзор ва Октябрь районлари меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақа бўйича шартнома имзоланди.

Акмал Икромов райони

Акмал Икромов райони партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчилари саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва муассасаларининг 1979 йилдаги иш якуни ҳамда партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг беш йилликнинг якунловчи йилидаги вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда иштирок этган Сергели райони меҳнат коллективлари вакилларини самимият билан кутиб олишди. Ўзбекистон КП Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Х. Камолов ва Ўзбекистон КП Сергели район комитетининг биринчи секретари Г. Стешенко доклад қилишди.

Йиғилишда нутқ сўзлаган «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Р. Баширов, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва техник хизмат кўрсатиш заводи электромеханиги П. Ишчейкин, булка-кондитер комбинати партия комитетининг секретари Н. Кружилина, заргарлик заводи комсомол комитетининг секретари У. Сулаймонова ва бошқалар корхоналари ва ташкилотларининг ўтган йилдаги хўжалик-иқтисодий фаолиятини анализ қилиб, топшириқларни муддатидан илгари ва юқори сифатда бажариш учун социалистик мусобақани кенгайтиришдаги коллективларининг иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Акмал Икромов райони меҳнат коллективлари 1979 йилда планга қўшимча 2,6 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилдилар, 7 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди, транспорт ташкилотлари коллективлари ҳам яхши меҳнат қилишди.

Акмал Икромов райони партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчилари беш йилликнинг якунловчи йили учун социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Бунда улар КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари асосида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари, транспортда юк ташиш, товар оборотини янада юксалтириш бўйича вазифалар белгилашди.

Акмал Икромов ва Сергели районлари меҳнат коллективлари 1980 йилдаги социалистик мусобақа тўғрисида шартнома имзоладилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ 1979 ЙИЛ ТЎРТИНЧИ КВАРТАЛДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети шаҳардаги районлар ва корхоналар ўртасидаги 1979 йилнинг тўртинчи кварталидаги социалистик мусобақа якунини қараб чиқди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиққан **Ленин районига** (район партия комитетининг секретари И. Федоринов, район ижроия комитетининг раиси М. Қаҳҳоров, район комсомол комитетининг секретари В. Акбарова) берилди. Бу район маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 101,9 процент бажарди ва ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришди, 1979 йилнинг тўртинчи квартали социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ҳамза ва **Собир Раҳимов** районларининг яхши ишлаганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги мусобақа ғолиби учун таъсис этилган кўчма Қизил байроғи **В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективига** (бош диретори В. Сивец, партия комитети секретари Ф. Нажмиддинов, касаба союз комитети раиси В. Хомова, комсомол комитетининг секретари Н. Дягилева) берилди. Бу бирлашма маҳсулот реализация қилиш бўйича 1979 йилнинг тўртинчи квартали планини ортиғи билан адо этиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг 24,2 процент ўсишини таъминлади, социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги мусобақа ғолиби учун таъсис этилган кўчма Қизил байроғи **Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси** коллективига (бош директори Г. Адалев, партия комитетининг секретари Х. Акбаров, касаба союз комитети раиси В. Тельнова, комсомол комитетининг секретари В. Аванесова) берилди. Бу бирлашма ишлаб чиқариш ҳажми бўйича квартал планини 106,2 процент адо этиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,4 процент ўсишини таъминлади, тўртинчи квартал социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этилган кўчма Қизил байроғи **Тошкент метрополитени коллективига** (бошлиғи Ш. Шоабдураҳимов, партия комитети секретари А. Кривохижин, касаба союз комитети раиси У. Сапаев, комсомол комитети секретари М. Ғозиева) берилди. Бу коллектив йўловчилар ташиш бўйича квартал планини 109,9 процент адо этиб, мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи. **«Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинати коллективига** (бошлиғи Э. Рустамов, партия комитети секретари В. Ерхов, касаба союз комитети раиси М. Абдуллажонов, комсомол комитети секретари Г. Пўлатова) берилди. Бу корхона бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 100,4 процент, шу жумладан, ўз кучлари билан 100,4 процент адо этиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминлади.

Шаҳар районлари ўртасида тўртинчи кварталдаги иш якуни бўйича капитал қурилишда Фрунзе райони коллективлари энг яхши натижаларга эришди. Бу ерда турар жойларни фойдаланишга топшириш плани 110 процент, пудрат ишлари плани 106 процент, меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 103,7 процент бажарилди.

Шаҳар Ҳурмат тахтасига 54 саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхонаси ёзилди.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

ТРАКТОРСОЗЛАРНИНГ МАРРАЛАРИ

Ўзбекистоннинг донгдор меҳнатчиси, КПСС XXV съезди делегати Анна Васильевна Федюшина бошчилик қилаётган участка коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб 19 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақида москваликларнинг ташаббусини Тошкент трактор заводида биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади. Илғор коллектив ўз имкониятларини чамалаб кўриб, шу кунни зарбдор меҳнат билан нишонлаш, пландан ташқари МТЗ—80Х трактори учун минг сўмлик деталь тайёрлаш мажбуриятини олди.

Тошкент трактор заводи меҳнатчиларидан саккиз мингдан кўпроқ киши меҳнат байрамида қатнашишга якдиллик билан аҳд қилганлигини изҳор этди. Коллективнинг кўпчилик қисми 19 апрель куни ўз иш жойларида меҳнат қилади. Бундан ташқари, корхона меҳнатчилари уй-жой массивини қуришда, территорияни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда қатнашадилар. Шу куни Тошкент тракторсозлари 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб қўйдилар. Бу эса ўтган йилги шанбаликдагига нисбатан ўттиз минг сўм кўп. 7,5 минг сўм пулни беш йиллик фондига ўтказиш режалаштирилмоқда.

(ЎзТАГ).

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

САМИМИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистонда сайловчиларнинг республика Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари бошланди. Учрашувларнинг қатнашчилари бу йилги сайлов кампанияси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик муносабати билан юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятида ўтаётганлигини таъкидламоқдалар, Ўзбекистоннинг меҳнат коллективлари сайлов кунини социалистик мусобақада янги муваффақиятларга эришиш билан кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирмоқдалар.

Тошкентдаги 4-шаҳар автобус паркининг ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Собир Каримжонов** ўз сайловчилари билан учрашди. Автобус паркининг меҳнатчилари Собир Каримжоновни **41-Чоштепа сайлов округидан** республика ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатган эдилар.

ЮКСАК ИШОНЧ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Округ сайлов комиссиялари Тошкент инструментал заводининг ишчиси **Валентин Григорьевич Гулий**ни 11-Комсомол сайлов округидан, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси **Садрутдин Йўлдошев**ни 15-Луначарский сайлов округидан, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси **Людмила Александровна Валетова**ни 20-Ленин сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олдилар.

(ЎзТАГ).

ПЛАН-МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ ПАРДОЗЛАШ ТРЕСТИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛ УЧУН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Пардозлаш трестининг 3 минг кишилик коллективи КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми тарихий қарорларидан руҳланиб, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида белгиланган йўл-йўриқларни амалга ошириш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олди.

Қурилиш ишлаб чиқаришини янада такомиллаштира бориш, меҳнатнинг илғор усуллари ва методларини жорий этиш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш ҳисобига 16.700 минг сўм ҳажмида қурилиш-монтаж ишларини бажариш топшириғини 29 декабрда адо этади.

2600 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилиш топшириғини эса 25 декабргача бажаради.

Йил охиригача планга қўшимча 65 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, белгиланган топшириққа қўшимча 30 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Қурилиш ва саноатда меҳнат унумдорлиги планда белгиланганига нисбатан 0,5 процентга ўстирилади.

Барча пардоз ишлари «яхши» ва «аъло» баҳоларга адо этилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг таннархи 0,2 процентга арзонлаштирилади.

Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича 3 минг сўмлик қўшимча иқтисодий фойда олинади.

33 та рационализаторлик таклифи жорий этилиб, 150 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилади.

Мирзачўл районидаги Партия XXIV съезди, 160-мактаб, «Главташкентстрой»нинг 17 ва 24-ётоқхоналари, 158 ва 63-шаҳар ҳунар-техника билим юртларига оталиқ ёрдами кўрсатиш кучайтирилади.

665 нафар ишчи, инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади. Бригадалар ва курсларда ўқитиш орқали 150 нафар қурувчи тайёрланади.

15 та бригада Н. Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлашга ўтказилади. Бинокорлик материаллари ва буюмларидан тежаб-тергаб фойдаланиш туфайли 50 куб метр ёғоч-тахта, 160 тонна цемент, 1480 квадрат метр ойна иқтисод қилинади.

Бригадаларни авариясиз ва шикастсиз ишлаш имконини берувчи — Басов методи бўйича ишлашга ўтказишга катта аҳамият берилади.

Йиллик планда кўзда тутилган 5488 ўринли тўртта умумий таълим мактаблари, 11 та 3320 ўринли мактабгача болалар муассасалари ва 74353 квадрат метр майдонга эга бўлган 20 та турар жой қурилиши биринчи августга қадар фойдаланишга топширилади.

Пардозлаш трести маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари трестга қарашли 11, 24, 28, 31, 34-қурилиш бошқармаларининг тўрт ойлик план ва топшириқларини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача, 76 та бригаданинг 1980 йилнинг 22 апрелигача қадар беш йиллик план топшириқларини бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусларини қизғин қўллаб қувватлашди.

Социалистик мажбуриятлар бригадалар, бошқармалар ва трест коллективларининг умумий мажлисларида муҳокама этилиб қабул қилинган.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб

Собир Раҳимов район ошхоналар трести коллективи учун ижодий изланиш, иш формаларини такомиллаштиришга интилиш одат бўлиб қолган. Шу боисдан ҳам бу ерда юксак ишлаб чиқариш ютуқлари қўлга киритилмоқда. Ўтган йили танланган йўл тўғри эканлигини яна бир марта исботланди. 1979 йил топшириғи муддатидан олдин 21 декабрда, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича олинган социалистик мажбурият деярли уч марта ошириб бажарилди.

Бўлиб ўтган трест активининг йиғилишида ўтган йилнинг якунлари кўриб чиқилди ва шу йилги режалар белгилаб олинди. Ошхоналар трестининг директори Т. М. Ражабов ўз докладида коллективнинг ишини чуқур таҳлил қилди, мавжуд камчиликлар ва муаммоларга тўхталди.

Собир Раҳимов районидаги жамоат овқатланиш корхоналарининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 81,3 процентни ташкил этди. Йил давомида 30,1 тонна балиқ, 40,2 тонна сабзавот ярим фабрикатлари, шунингдек деярли 1,5 миллион сўмлик кулинария ва қандолат маҳсулотлари реализация қилинди.

Ўтган йили умумий овқатланиш корхоналарининг тармоқлари кенгайди. Иккита мактаб, ностандарт ускуналар ва мебеллар комбинатида ошхона, ТошМИ студентларига хизмат қилувчи тўртта буфет очилди. Студентлар шаҳарчасидаги ва «Миконд» заводидаги ошхоналар реконструкция қилинди. «Компрессор» заводидаги ярим фабрикатлар билан савдо қилувчи магазин ўз-ўзига хизмат қилиш усулига ўтказилди. Булар район меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшиланишига ёрдам берди. Трестнинг моддий-техника базаси юксак суръат билан ривожланиб бормоқда. Корхоналарда 150 та совутиш ва савдо ускуналари ўрнатилди, комплекс овқатланиш линияси ишга туширилди.

Корхона, қурилиш, олий ўқув юртлари, автомобиль хўжаликлари коллективларига хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мавжуд ошхона ва буфетлар ҳафталик меню асосида ишламоқда. Меню корхона маъмурияти ва касаба союз ташкилоти билан келишилган ҳолда тузилмоқда.

Ўқув юртларининг қошидаги 35 та ошхонада 50—60 тийин турадиган комплекс тушки овқатлар сотилмоқда. Умумий овқатланиш цехларида тушки овқатларни олдиндан тайёрлаб қўйиш амалга оширилмоқда. Бу нарса ишчиларга 12—15 минутда овқатланиб бўлиш учун шароит яратмоқда. Улар маданий ҳордиқ чиқариш, спорт билан шуғулланиш имконига эга бўлишяпти.

Ишни такомиллаштириш йўлларини қидириш давом этяпти. Трест коллективи ҳозир гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилиш устида ишламоқда. Шу мақсадда бу ерда чўчқачилик хўжалиги ташкил этилди. Қисқа вақт давомида бу ердаги чўчқаларнинг сони кескин кўпайди, уларни кунига 497 граммга семиртиришга эришилди. Натижада 14,5 тонна гўшт реализация қилинди.

Орадан кўп ўтмасдан ёрдамчи хўжалик янада такомиллаштирилади, ишлаб чиқаришдаги кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнлар механизациялаштирилади. Ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари гўшт етиштириш планининг бажарилишига қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

1979 йил якунлари бўйича Собир Раҳимов район ошхоналар трестининг ёрдамчи хўжалигига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи берилди. Кўчма Қизил байроқни коллективга актив йиғилишида Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари И. М. Бозин топширди.

Трест меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари область касаба союзлари комитети, шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Бу мукофот коллективга 1979 йилнинг тўртинчи квартали якунларига кўра берилди. Байроқни коллективга Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов топширди.

Актив йиғилишида сўзга чиққан трест ходимлари юксак мукофот учун миннатдорчилик билдириб, умумий овқатланиш трести ходимлари хизмат кўрсатишни, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилаш учун қандай тадбирларни амалга ошираётганликлари ҳақида сўзлашди.

Трест коллективи товар обороти бўйича ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан 45 кун илгари бажариш, ўз хўжалигидан олинган маҳсулотни 850 минг сўмликка етказиш, озиқ-овқат қолдиқларидан фойдаланиш йўли билан бўрдоқичилик базаси яратишга аҳд қилди. Янги марраларни эгаллашга В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги муносабати билан бошланган социалистик мусобақа катта ёрдам беради.

Актив йиғилиши қатнашчилари 1980 йил учун социалистик мажбурият қабул қилдилар.

А. ҲАТАМОВ.

СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов район ошхоналар трести коллективига Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети кўчма Қизил байроғининг топширилиши.

М. Нуриддинов фотолари.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Қонуний ташвишланиш

Ҳиндистон Америка империализми билан Хитой гегемонизмининг Жанубий Осиёдаги сўнгги ҳаракатларидан тамомила ҳақли равишда ташвишланаётганлигини билдирмоқда. Бутун мамлакатда Покистоннинг жадал қайта қуроллантирилаётганлигига қарши, бу районда Америка-Хитой ҳамкорлигининг кучайиб бораётганлигига қарши норозилик митинглари ва намойишлари бўлиб ўтмоқда.

Покистоннинг қуроллантирилаётганлиги уни Ҳиндистонга, Афғонистонга ва Жанубий Осиёдаги бошқа прогрессив режимларга қарши қупорувчилик ишлари учун асосий плацдармга, Вашингтон билан Пекиннинг босқинчилик ва гегемонизм сиёсатининг бевосита қуролига айлантиришга қаратилганлигини Вашингтонда ҳам, Пекинда ҳам деярли яширмаяптилар.

Президент Ж. Картер маъмурияти Исломободга 400 миллион доллар миқдорида шошилинч ҳарбий ва иқтисодий ёрдам берилганлигини эълон қилди. АҚШ мудофаа министри Г. Брауннинг яқинда қилган визити вақтида Вашингтон билан Пекин Покистон армиясига, шунингдек американликлар билан хитойлар Афғонистонга қарши агрессив ҳаракатлар учун фойдаланадиган ёлланган ҳарбий гуруҳларга қурол-яроғ етказиб беришни кўпайтириш тўғрисида келишиб олдилар. Мана шу битимни амалга ошириш мақсадида Хитой ташқи ишлар министри Хуан Хуа ҳозир Покистонга келди. АҚШ Покистонга ҳаво йўли орқали кўп миқдорда қурол-яроғ етказиб бера бошлади.

Америка империализми билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётган Пекин Покистонга энг кўп миқдорда қурол-яроғ етказиб бермоқда. Хабар беришларича, Пекин Покистон армиясига қарийб 700 та танк, бир неча қирувчи самолётлар эскадрильясини юборган. Хитой қуроли ва аслаҳалар Хитой билан Покистон ўртасидаги стратегик Қорақурум йўли орқали узлуксиз келиб турибди. Хитой бу йўлни Ҳиндистонни ёнлаб ўтиш ниятида қурган эди. Пекин Ҳиндистонга қарши аллақачонлардан бери босқинчилик планлари тузиб келмоқда. Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий районларидан бир қисми Хитой харитасида Хитой территорияси қилиб кўрсатилган.

Ҳиндистон матбуоти Покистонга кўплаб қурол-яроғ етказиб берилганлиги шу қитъада икки марта ҳарбий можароларга сабаб бўлганлигини ва эндиликда шу райондаги вазиятни яна беқарор қилиши мумкинлигини эслатиб ўтмоқда.

Америка империалистлари ва Хитой гегемончилари айни вақтда Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик алоқалари ва ҳамкорликни заифлаштириш, Ҳиндистонни сиёсий иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қуролсизлантириш мақсадида уни «совет хавфи» деган афсона билан қўрқитишга уринмоқда.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Министрлик коммунистлари» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақола халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

● Сурия Араб Республикаси раҳбарлигининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 27 январь куни расмий дўстона визит билан Москвадан Сурия Араб Республикасига жўнаб кетди.

А. А. Громико шу куниёқ Дамашққа етиб келди.

● «Қурилишлар картасида» рубрикаси остида газета мухбири Ю. Разгуляевнинг «Экибастуз энергияси» сарлавҳали мақоласи, «Янгиликлар панорамаси», чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ТЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг бир гуруҳ донгдор тўқувчилари беш йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этиш, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўзаро мусобақа бошлаганларидан бери тўрт йил ўтди.

Нина Ершова ва Вера Солдатова энг юксак меҳнат натижаларига эришди. Улар станокларга хизмат кўрсатиш зонасини икки баравар кенгайтирдилар. Имконият туғилганда эса 56 ва ҳатто 64 станокка ҳам хизмат кўрсатдилар. Бундай «зичликда» анча узоқ вақт ишладилар ва бунда ҳар бир станокда планга қўшимча маҳсулот туширишга эришдилар.

Ҳар икки тўқувчи ҳам самарали меҳнат қиляпти, асосий меҳнат операцияларида, станокларни айланиб чиқиш маршрутида секундларни тежашяпти. Иккиси ҳам меҳнатни мақсадга мувофиқ ташкил этишган: биринчи навбатда олдида кўп банд бўлиш лозим этилмайдиган станокларни ишга туширишади, мураккаб ип узилишлари юз берган станоклар олдига эса вақт бўлганда келишади. Мана шу йўсинда тандаларга ва кромкаларга қараш учун, шунингдек, бракнинг олдини олиш учун қимматли вақтлар тежалади.

Ўтган йил тўқувчилар учун осон бўлмади. Малакали ишчилар етишмайдиган тайёрлаш бўлимидан кўпгина нуқсонлари бўлган тандалар келиб турди. Бу нуқсонларни бартараф этиш учун эса вақт, ҳаракат талаб этилади. Тез-тез ҳарорат ва намлик технологик режими бузилиб турди. Бунинг натижасида ип узилиши кўпайди.

Тўқувчиларнинг йигирувчиларга ҳам даъволари бор эди. Улар юбораётган калавалар ҳамиша ҳам юқори сифатли бўлмасди. Бунинг оқибатида ип узилишлари рўй берарди. Баъзан тандалар кечикиб келиши ёки мутлақо келтирилмаслиги ҳоллари ҳам бўларди. Ускуналарнинг бекор туриб қолиши юз берарди.

Бундай ҳолларда тўқувчилар алоҳида ғайрат билан ишлашарди. Улар барча ускуналар хом ашё билан таъминланганда иложи борича кўпроқ станок ишлашига ҳаракат қилишарди. Ип узилишида бекор туриб қолишлар эса иложи борича камайтириларди. Қарийб ҳар бир иш минути учун кураш борди. Мана, бунинг натижаси. Н. Ершова ва В. Солдатова беш йиллик бошидан бери тўққизинчи йил топшириғини бажариш арафасида туришибди.

Ўнинчи беш йиллик бошидан бери тўқувчилар Вера Кузнецова, Мария Асеева 48 станокка ёки соҳадаги нормадан икки баравар кўп станокка хизмат кўрсатишяпти. Ҳар иккиси ҳам ҳозир 1983 йил ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

Кўп станокчиларнинг энг ёши—СССР Олий Советининг депутати, Ленин комсомоли мукофоти ва опа-сингил тўқувчилар Виноградовалар мукофоти лауреати Дилбар Қулматова (унинг қарамоғида 48 станок бор) 1979 йилнинг ноябрь ойида олти йиллик топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Кўп станокчилар юксак унум билан меҳнат қилгани ҳолда ҳамма маҳсулотни биринчи сортга топширяпти.

Ўтган йили ўзининг беш йиллик топшириғини адо этган тўқувчи, «Шогирдга — устоз марраси» шиори остида бошланган ҳаракатнинг ташаббускори Верзилина ўзининг бутун фаолиятини ёш тўқувчиларга кўп станокда ишлашни ўргатишга бағишлади. У ҳозир инструктор-мураббий бўлиб ишлаяпти.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида беш йиллик топшириқни муддатидан аввал бажариш мусобақаси ташаббускори бўлган кўпстанокчи тўқувчилар 16 миллион метр миткал, «ягодка» ва дока ишлаб чиқардилар. Шундан 7 миллион сўмлиги планга қўшимча тайёрланди.

Кўпстанокчи тўқувчиларнинг корхонанинг юзлаб меҳнаткашларига маҳорат йўлини кўрсатганликларини эътиборга олсак, уларнинг беш йилликка қўшган ҳиссалари янада салмоқли туйилади. Комбинат машъаллари техника моҳир қўлларга яхши итоат этишини шахсий тажрибаларида кўрсатдилар. Маҳоратга эришсангиз рекорд кўрсаткичи кундалик нормага айлантириш мумкинлигини исботладилар.

Бу ўринда А. С. Верзилинанинг издошлари — мураббийлар алоҳида роль ўйнашди. Улар сафида 908 илғор ишчи бор. Ҳозир улардан 1190 ёш ишчи унумли меҳнат қилиш сирларини ўрганишяпти.

Мураббийлар туфайли кўпстанокчилар миқдори йил сайин ортмоқда. Ҳозир комбинатда 2778 киши типовой нормада ва ундан юқори зичликда ишлаяпти. 344 йигирувчи ва тўқувчи хизмат кўрсатиш зонасини 1,5 — 2 баравар кенгайтирди. Ишчиларнинг типовой нормадан юқори зичликка ўтказиш туфайли йигирувчиликда қўшимча 34 машина-сменани ва тўқувчиликда 270 станок-сменани ишга тушириш мумкин бўлди. Бунинг ҳисобига беш йиллик бошидан бери қўшимча 1135,9 тонна калава, 9.020 минг метр газлама ишлаб чиқарилди.

Ҳозир кўпстанокчилар республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар кунини, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга тайёргарлик кўришяпти. Бу КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленумининг беш йилликнинг якунловчи йилини ленинчасига зарбдор меҳнат қилиш, меҳнат самарадорлиги ва сифатини янада ошириш йилига айлантириш ҳақидаги қарорига амалий жавоб бўлади.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — кўпнусхали «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.

ОЛМОС ИНДУСТРИЯСИ

Кенг ва ёруғ бостирмалар остида олмос синтез қиладиган янги цехнинг ўнлаб установкалари саф тортди. Тошкент Абразив комбинатида шу цех ишга тушди.

Тошкент Абразив комбинатининг директори В. Редко бу воқеани шарҳлаб шундай деди:

— Олмос цехи қад кўтарган жойда яқиндагина кремний карбиди — карборунд эритадиган печлар жойлашганди. 6 та мўри муттасил пага-пага тутун чиқариб, атрофдаги аҳолининг эътирозларига, санитария врачларининг норозиликларига сабаб бўларди. Богдан Хмельницкий кўчасида пойтахтнинг янги катта уй-жой райони қад кўтара бошлаганида Тошкентда карборунд эритишни тўхтатишга, комбинатимизни олмос синтез қилувчи «тоза» корхонага айлантиришга қарор қилинди.

СССР Станоксозлик саноати министрлигининг турдош заводлари бизда карборунд ишлаб чиқариш тўхтатилганлигининг ўрнини қоплаш мақсадида министрлик ишлаб чиққан программага мувофиқ карборунд ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бирмунча фурсат керак бўлди. Инструмент саноатининг муҳим хом ашёси бўлиш карборундсиз қайрайдиган ва пардозлайдиган тош, қайроқ ва бошқа шундай маҳсулотларни ясаб бўлмайди.

Эндиликда мўлжалланган иш бажарилди. Карборунд цехи ёпилиши билан завод яқинидаги ҳаво бирдан тоза бўлиб қолди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми камайгани йўқ, чунки олмос — халқ хўжалигига ниҳоятда керакли маҳсулот. Аммо цехлардан бири ҳамон тутун чиқариб турибди. Бу цехда анча қаттиқ монокорунд материали ишлаб чиқарилади. Лекин яқин йилларда у ҳам печларини ўчириб қолади. Чунки комбинатни олмос синтез этадиган қилиб қайта қуриш давом этмоқда. Шу йилнинг охирига бориб олмос асбоб цехи ишга тушиши керак. У машинасозларга шу ғоят самарали маҳсулотни етказиб беришни бир неча баравар кўпайтиришга имконият яратади. (ЎзТАГ).

Пушкин кўчасида бунёд этилаётган 80 оилага мўлжалланган турар-жой биноси қурилиши ниҳоясига етмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Главташкентстрой»нинг 42-қурилиш бошқармасига қарашли П. Назаров бошчилик қилаётган бригаданинг пешқадам сувоқчиси Софья Юрьченк ва уй-жой биноси қурилиши акс эттирилган.

Ю. Синов фотоси. (ЎзТАГ).

• *Злобинчилик ҳаракатига—кенг йўл*

Изланиш давом этади

Бир неча йиллардан бери «Жилстрой» трестига қарашли монтаж бошқармасининг Виктор Алексеевич Демидов бошлиқ бригадаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаб, юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Беш йилдан буён бу бригада монтажчилари йирик панелли уйларнинг монтаж ишларини адо этишаётир. Улар бу методда ишлаш билан бирга қурилиш ишларининг муддатларини қисқартириб, таннархни арзонлаштиришга муваффақ бўлишаётир.

Бригада бошлиғи биз пудрат методисиз ишлашни тасаввур ҳам қила олмаймиз, демоқда. Бу бригадада йигирма нафар қурувчи ишлайди. Уларнинг барчаси бир неча касбда мукаммал ишлай олишади. Ўтган йили улар еттита тўрт қаватли турар жой биносини монтаж қилишди. Барча монтаж ишлари яхши баҳоларга қабул қилинди. Ҳар бир бинони монтаж қилиш муддатлари ўн етти кунданга қисқартирилди. Бригада меҳнат унумдорлигини ошириш планини 111,7 процентга бажарди. Қурилиш ишлари таннархини камайтиргани учун коллективга 1430 сўм миқдорида мукофот тарқатилди.

— Демидов бошлиқ бригада аъзолари пудрат методи бўйича иш олиб боришда катта тажрибага эгадир, — дейди «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Набиев. — Шунинг учун ҳам Бош бошқарма қурувчилар ва бинокорлик материаллари ходимлари касаба союзи республика комитети билан биргаликда «Жилстрой» трестидаги бу пешқадам бригада базасида бригада пудрати методини ўрганиш ва кенг ёйиш бўйича доимий ҳаракатдаги илғор тажриба мактаби ташкил этди. «Главташкентстрой»да барча бригадалар, инженер-техник ходимлар ва бошқа хизматчиларга меҳнатнинг бу янги методини ўргатишга катта эътибор беряпти. Машғулотлар Бош бошқарманинг ўқув комбинати ва «Оргтехстрой» тресті томонидан ташкил этилсада, амалий машғулотлар Виктор Демидов бошлиқ бригада ишлаётган объектда ўтказилмоқда.

Илғор тажриба мактаби Бош бошқарманинг бу йилги ва ўн биринчи беш йилликдаги план ва мажбуриятларини адо этишида катта роль ўйнайди. Шу беш йиллик охирига бориб уй-жойлар қурилишида барча иш ҳажмининг 70—80 проценти, саноат объектлари қурилишида 20—30 проценти бригада пудрати методи асосида амалга оширилади. Ҳозирги кунларда Бош бошқарма ва унинг трестларида бу катта маррани қўлга киритиш учун катта ташкилотчилик ишлари олиб бориляпти.

Бош бошқармада 1971 йилдан бери бригада пудрати методи бўйича иш олиб боряляпти. Ўшанда атиги тўртта бригадагина злобинчасига ишлаган эди. Эндиликда эса уй-жойлар, саноат корхоналари қурилишида ва автомобиль транспортида тўрт юзга яқин бригада янги усулда иш олиб боряпти. Шуниси қувончлики уларнинг жуда кўпчилиги меҳнат унумдорлигини ўстириш, иш сифатини яхшилаш ва кўплаб маблағни иқтисод қилишга муваффақ бўлишаётир.

1971 йилдан бери Бош бошқармадаги злобинчи бригадалар қарийб 300 миллион сўмлик миқдорида қурилиш ишларини адо этишди. Бу Бош бошқарма коллективи бир йилда амалга оширадиган қурилиш ишларининг ҳажмига тенгдир. Злобинчилар ўтган вақт ичида 3 миллион сўмлик маблағни иқтисод қилишди. Хўжалик ҳисобида ишлаётган бригадаларда меҳнат унумдорлиги оддий бригадалардагига нисбатан 20—30 процентга ўсди.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида ҳам злобинчилар қувончли кўрсаткичларга эришишди. Улар 1979 йилнинг фақат ўн ойидагина 87,1 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришиб, Бош бошқарма амалга оширган барча иш ҳажмининг қарийб 49 процентини бажаришди. Бундан ташқари қурилиш-монтаж ишларининг таннархи 1 миллион сўмга арзонлашди, қурилиш ишлари муддатлари 698 кунга қисқартирилди. Злобинчи усулда иш олиб борган коллективларда 93,4 минг сўм ҳажмида мукофот тарқатилди.

Зафарларга «Жилстрой», 6-қурилиш трестлари, биринчи, иккинчи уйсозлик комбинатлари ва қурилиш материаллари саноати корхоналари катта ҳисса қўшишди. Бу коллективларда бригада пудрати методи бўйича иш олиб боришда катта тажриба тўпланган. Улар барча қурилиш ишлари ҳажмининг қарийб 70 процентини злобинча усулда бажаришга эришишди.

Бош бошқарманинг бу бўлинмаларида буюртмачи, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан биргаликда ишлаш учун пудрат шартномалари тузиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Масалан, «Жилстрой» трестининг бригадалари, буюртмачи, «Ташсантехгазмонтаж», «Узэлектромонтаж» трестларининг қурувчилари билан кўп йиллардан бери бир шартнома бўйича иш олиб боришяпти. 1-уйсозлик комбинати коллективи ҳам шундай шартнома бўйича ишлашга катта аҳамият бераётир. Бундай поток методи бўйича иш олиб бориш кўп имтиёзларга эга экан. Поток усули қурилишни тез битишигагина эмас, балки иш вақтининг иқтисод қилиниши, сифатни яхшиланишига ҳам кенг йўл очмоқда.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Бош бошқарма, трестлар, бошқармалар, бригадалар ўртасида юксак савияда ташкилотчилик ишлари олиб борилганлиги, злобинчиларнинг намунали меҳнат қилишларига шароит яратилганлиги сабабли ҳам бундай зафарларга эришилди. Бундан ташқари, планлаштириш яхшиланди, қурувчилар ва инженер-техник ходимларнинг касб малакалари оширилди, ишлаб чиқариш, меҳнат ва технология интизомига қатъий риоя қилинди.

Бош бошқарма бўлинмаларида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методини кенг қулоч ёйдириш учун изланишлар давом эттирилмоқда.

И. АХМЕТОВ.

УШАЛГАН ОРЗУ

ОЧЕРК

От дукури эшитилди. Болалар олдинма кейин дарвоза томон югуришди-ю бир зум ўтмай:—акамдан хат. дея қувониб қайтишди ва болари каби оналари атрофини қуршаб олишди.

Конвертни очиб кўз югуртирган Шапахат опа бу сафар хатни ўқий олмади, у рус тилида ёзилган эди. Шу топ мактабдан қайтган Насвали хатни ҳижжалаб ўқир ва ўзича таржима қилиб тушунтириб берарди:

«Эркин Бозорович Раҳматов каби ўғилни билимли, меҳнатсевар, ахлоқ-одобли, хушёр, ўртоқларга нисбатан меҳрибон, ватанпарвар қилиб ўстирганингиз учун Сиз ота-оналар—Бозор ва Шапахат Раҳматовлардан ротамиз, полкимиз шахсий составн миннатдор. Э. Б. Раҳматов «Аълочи солдат», яқинда моторлашган ўқчи полкимиз Қизил байроғи остида суратга тушди. Унинг сурати полк Ленин хонасига қўйилган...

Рота командири А. Балейко».

Ўн бир фарзанднинг онаси Шапахат опанинг севинчи ичига сиғмас эди. Тўнғич фарзанди Эркиннинг суратини бағрига дам-бадам босар экан, кўзларида севинч ёши қалқирди...

Ота кўрган ўқ йўнар, деганларидек, ҳали нарвонга оёғи, обкашга бўйи етмаган бош ўғил Эркин хўжалик ишларида ёшлигидан отасига, укалар тарбиясида онасига кўмаклашди. Кунлар бир тахлитда ўтаверди. Охунбобоев номли 27-ўрта мактабни «аъло» баҳоларда тамомлаб, тенгдошлари қатори етуклик аттестати олиб уйга қайтди. Кечки овқатдан сўнг мол-ҳолга қараб бўлгач, китоб-дафтарларни яшчикка жойлади. Буни сўрида ёнбошлаб кузатиб турган Бозорбой ака ўғлини ёнига чақирди.

— Эркин, энди нима қилмоқчисан? Ишлайсанми ё ўқийсанми? Бош ўғлимсан, ўқисанг мен рози!

— Майлиз,—деди Эркин итоаткорона кўзларини ерга қаратиб. Лекин ўртоқларим билан колхоз қурилишида ишлашга аҳд қилганмиз.

— Ўқишчи, ўқиш?

— У ҳам бўлади, дада!

Аҳдлашган ёшлар ўзлари туғилиб ўсган Куйбишев номли колхоз қурилиш бригадасига бориб қўшилдилар. Янги куч — ёш куч колхозга қўл келди. Самарқанд области, Пастдарғом районида йил сайин юксалиб бораётган Куйбишев номли колхозда бир ёздаёқ ферма, кўприк, омборхона, уй-жой қурилиши сезиларли даражада ривожланди. Эркин ҳам икки йил мобайнида қурувчи касбини ўрганиб олди. Бу касб Совет Армияси сафида унга қўл келди. Армияда колхоздагидек бетон қуйиб, пахсага лой кесмаса-да, қурувчилик касби, меҳнатни писанд қилмаслиги билан яхши ном чиқарди.

Ҳа, меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Икки йиллик йигитлик хизмати — шон-шараф иши ва гражданлик бурчини Эркин фидокорона адо этиб, яна серфайз хонадонга — ота-онаси, қувноқ укалари бағрига қайтди. Унинг энгагига ота соқоли битган, анча вазмин, укалари билан ҳам жиддий оҳангда гаплашади. Ҳали келди-кетди босилмаган ҳам эдики, бир кун эрталаб Эркин коржомасини кийиб, кўча томон отланди.

— Ҳа, Эркинбой, йўл бўлсин, ўғлим, —сўз қотди тандирдан нон узаётган Шапахат опа.

Эркин вазмин одим ташлаб онаси ёнига борди. Икки юзи узаётган бўрсилдоқ нони каби қизариб турган онасининг пишлоқ кўзларига боқиб меҳри жўш уриб кетди. Эркаланиб онасини бўйнидан қучгиси келди-ю, лекин бўйи тандирдан ошиб турар эди.

— Ол, иссиғида ушатиб е,—деди она ҳам меҳрибонлик билан рапида устидаги қизил кулча юзига сув суртиб, саватга қўяр экан.

Шу тундаги ўйлари Эркиннинг миясига яшиндек урди. Икки йилда укалари анча бўй қўйишибди. Уларнинг еяр-ичари, кийим-боши ҳақида ким қайғуради? Биргина колхозчи отасими? Йўқ! Эркин ҳам ишлаши керак. Бу, қатъий! Шунинг учун ҳам онасига:

— Раҳмат, ишга дея олди.

— Иш қочмас, ёшсан, беш-ўн кун тенгқурларинг билан ўйна.

— Ҳали ҳам тенгқурлар ёнига—деди-ю, шарт орқасига ўгирилиб, кўча томон солдатчасига юриб кетди.

Табиатан кам гап, лекин етти ўлчаб бир кесадиган ўғилнинг аҳди қатъий эди. У бош фарзандлик масъулиятини ҳис этган. У колхозда қурилиш бригадасида эски дўстлар билан яна топишди...

Орзуга айб йўқ, деган нақл бор. Айниқса у ёш қалбларда кўп бўлади, бинобарин тез-тез ўзгариб ҳам туради. Бизнинг Эркин кун бўйи қувноқлар даврасида, ғайрат билан қурилиш ишларини бажаради. Тунлари эса бедор. Нега? Унинг бирдан-бир орзуси ўқиш. Ўзи Самарқандда бўлса-ю, кўнгли — Тошкентда ўқиш. Нима, йўли йўқми? Бор, деди ўз-ўзига. Аттестат бўлса, армияда хизмат қилдим, иш стажим етарли! Ҳа, аканг кирмай, ким кирсин ўқишга!..

— Яна қаерга отланяпсан? — Дипломатга нарса жойлаётган ўғлига қараб, деди она.

— Бу сафар Тошкентга, бир омадимни синаб кўрайчи. Эрта билан жўнайман.

— Сени уйлаб қўймоқчи даданг!

— Тўй бўлса қочмас, — деди-ю хаёлидан лип этиб Саломат ўтди.

Тошкент политехника институти... Сентябрь. Ўқишлар бошланган. Санъат саройи хиёбони йигит-қизлар гурунгига тўла. Қўлларига етуклик аттестат олган ёшлар қатори Эркин ҳам қурилиш факультетининг кечки бўлимига ҳужжат топширди. Кўнгли таскин топди шекилли бирма-бир эълонларни кўздан кечирди. 11-«Висотстрой» трестига қурувчилар керак. Ишчилар турар жой билан таъминланади...

Адрес бўйича трест кадрлар бўлимига борди. Унга 17-қурилиш бошқармасига йўлланма беришди. Умарали Усмонов бошлиқ ғишт терувчилар бригадасида ишга киришди. Аввал квартирант, кейин ётоқхонадан жой олди. Эркин на қурувчилардан ва на бригадирдан дакки эшитди. Меҳнатда кўзи пишиб, қўллари қадоқ бўлган эмасми, биринчи кунданоқ нормани уддалади, ширинсўзлиги билан ҳамкасблари сафидан ўрин олди.

Кунлар ўтиб, икки йил деганда бетончи, арматураларни газ пайванд қилиш, ғишт терувчи касбини мукаммал эгаллади. Шу орада бошқармада комплекс бригада тузилди. Эркин Виктор Иванович Локовников бригадасига тушди. Бригада бошлиғи кунлик иш режаларини тузиб бўлгач, қурувчилар билан ёнма-ён туриб дурадгорлик ишларини қилади. Саккиз кишилик кичик коллективнинг бетончи Мария Александрова, Александр Григорьев, ғишт терувчи Собиржон Юнусхонов, Отабой Тўйчиев, дурадгор Анатолий Моисеев, пайвандчи Сергей Нехорошев каби аъзолари ўнинчи беш йиллик бошидан буён бир оила кишиларидек аҳил меҳнат қилиб келишяпти.

Ўтган йилларда бригада 17-қурилиш бошқармаси коллективи билан биргаликда Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, бирлашган диспетчерлик бирлашмаси, рангли металлургия лойиҳа институти, Б. Хмельницкий кўчасида 12 қаватли 132 квартирали уй ва бошқа биноларни бунёд этишда, метрополитен қурилишида фаол қатнашди. Ҳозир бригада «Правда Востока» кўчасида бунёд этилаётган газета корпуси қурилишида меҳнат қиляпти.

Ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари муваффақиятли адо этган Виктор Локовников бригадаси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача икки йиллик топшириқни адо этиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилган.

Бошқарма ташкил топган —1963 йилдан буён шу коллективда меҳнат қилиб келаётган тажрибали қурувчи Отабой Тўйчиев ўз шогирди Эркин Раҳматов ҳақида илиқ сўзларни айтди:

— БИРИНЧИ бор ишга тушган кунидаёқ ғайрат-маҳоратини намоён этди,—дейди уста. Коллективда камол топди. Бошқармадагина эмас, бугунги кунда кўп минг кишилик трестимиз коллективи ўртасида танилди. Э. Раҳматовга катта ишонч билдириб, Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди. Ўтган йил бошқарма коммунистлари ўз сафларига қабул қилишди. Эркин бу йил институтни тамомлайди. Булар бир оддий ишчи— эртанги кун ёш мутахассиснинг катта ҳаёт йўлида қувончли воқеа, албатта.

— Иш, ўқиш, халқ депутати, оила, жамоатчилик ишларига қандай улгуряпсиз?

— Булар менга кундалик одат бўлиб қолган. Ишдан сўнг ўқишга, ҳар ойнинг биринчи сешанбасида сайлов округига меҳнаткашларни қабул қилишга, шаҳар Совети ижроия комитетининг нарх-наво бўлимига, сайловчилар илтимослари ёки наказларини ҳал этиш учун ташкилотларга — ҳамма-ҳаммасига улгуриш керак. Бунинг учун вақтимни, қилинадиган ишларни олдиндан тақсимлаб қўяман.

Киров районининг Турк-қўрғон маҳалласида болалар майдони бор. Шу ерда озиқ-овқат магазини ҳам бор. Баъзилар ишдан кейин шу майдончада кайф-сафо қилишга одатланишибди. Бу болалар тарбиясига салбий таъсир қилади. Район ички ишлар бўлими билан биргаликда бундай бемазагарчиликка чек қўйилди. Ишчилар шаҳарчаси — Аэропорт оралиғида қатновчи 37-автобус маршрути очилди. Охунбобоев номли медицина билим юрти талабалари учун бунёд этилаётган 300 ўринли ётоқхона биноси қурилиши, ЖЭКка қарашли уйлар ремонти жадаллашди... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бири сайловчилар наказлари асосида халқ хизматкори Эркин Раҳматовнинг депутатлик фаолияти, меҳнат ғайрати, ёш коммунистик қалб қўри билан узвий боғлиқдир. Буни у гражданлик бурчи, ушалган орзу, деб билади.

Ҳа, ҳар биримиз коллектив, жамоатчилик олдида бурчлимиз.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Қайрағоч—табиат ёдгорлиги

БУХАРЕСТ. Бакэу уездининг Тескани посёлкасида композитор Ж. Энескунинг уй-музейи боғидаги улкан қайрағоч табиат ёдгорлиги деб эълон қилинди. Ботаниклар ноёб дарахт 200 ёшда деб ҳисобламоқдалар. Қайрағочнинг бўйи 30 метр бўлиб, унинг шохлари посёлкадаги ўзи билан ёнма-ён жойлашган бинолар устида улкан гумбаз ҳосил қилган.

Руминияда сўнгги ўн йил мобайнида қайрағочзорлар зараркунандалар туфайли қуриб қолаётган бир пайтда, бу кекса ноёб қайрағоч яхши сақланиб қолганлиги диққатга сазовордир. Ўрмоншунослар бу улкан қайрағочнинг уруғини экиб, кўчат етиштиришни мўлжалламоқдалар. Уларнинг фикрича, ана шу кўчатлар замбуруғли зараркунандаларга нисбатан чидамлилиги билан ажралиб туради ва қайрағочзорларни яна тиклаш имконини беради.

КОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ВАРШАВА. Польшанинг Ченстохов шаҳри яқинидаги Бхизина деган жойда одатдан ташқари музей барпо этилмоқда. Қурувчилар эски конни реконструкция қилмоқдалар. Коннинг ер устидаги ва ер остидаги иншоотларида Польшада темир-руда саноатини ривожлантириш тарихи ва ҳозирги босқичи тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция жойлаштирилади.

Руда кончилиги музейи томошабинларни қадимий ва замонавий машиналар ва асбоб-ускуналарни кўришлари мумкин.

Болгария Халқ Республикаси. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши — республикада электрон-ҳисоблаш техникаси тараққиётидаги муваффақиятларни белгиловчи энг муҳим омиллардан биридир. Ҳозир республикада бу тармоқдаги 12 та йирик ихтисослаштирилган корхона ишлаб турибди.

СУРАТДА: Пловдивдаги хотира қурилмалари заводининг цехида.

БТА-ТАСС фотоси.

Индеецлар камситилмоқда

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда мамлакатнинг туб жой аҳолиси — индеецларнинг ҳуқуқлари қўпол равишда оёқ ости қилинмоқда.

АҚШ олий судининг биноси олдида Америка жамоатчилигининг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари «Америка индеецлари ҳаракати» деб аталган ва мана шу майда миллатнинг манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилаётган ташкилотнинг активлари ва раҳбарлари маъмурлар томонидан таъқиб этилаётганлигини кескин қораладилар. Ташкилот вакили С. Робидо митингга сўзга чиқиб, АҚШ маъмуриятининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Маъмурлар тенг ҳуқуқлилик тўғрисида дабдаба билан оғиз кўпиртиришларига қарамай, индеецлар ҳамон «иккинчи сорт» одамлар аҳволида қолиб келмоқдалар, турмушнинг ҳамма соҳаларида шафқатсизларча камситишга дучор қилинмоқдалар, деб таъкидлади у.

МАҲСУЛОТ ҚИММАТЛАШМОҚДА

МЕХИКО. Мексикада қанд саноатида бошланган танглик натижасида ички бозорда ана шу маҳсулот нархи қарийб уч баравар кўтарилди. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, бу эса мамлакат бошидан кечираётган умумий, иқтисодий қийинчиликларнинг ифодасидир.

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

«Главташпасса в т о ранс»га қарашли 2-автомобиль транспорти корхонаси коллективи ўртасида беш йиллик топшириқларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришаётган ишчилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Корхонанинг М. Азизов, А. Черкасов, В. Шанин сингари илғорлари шахсий беш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақидаги рапортга имзо чекишди. Улар шу кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Бу автохўжаликнинг кўплаб ҳайдовчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишган. Жумладан, 15 ҳайдовчи ана шу шонли санага қадар шахсий беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олди. Илғорларга тенглашиб ишлаётган ҳайдовчилар сафи ҳам кун сайин ошиб боряпти. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли юксак кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда.

«Шарқ юлдузи» январь сонида

«Шарқ юлдузи» журналининг янги, январь сони босмадан чиқди. Журнал отахон адиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Октябрь революцияси» ордени кавалери Комил Яшин туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган саҳифалар билан очилади. Ҳ. Абдусаматов, Л. Қаюмов, М. Раҳмонов, Мирмуҳсин, Т. Тўла ва бошқалар устоз ҳақидаги ўз фикрларини, дил ташаккурларини баён қилишган.

Журналда «Ҳамза» романининг иккинчи қисми босилган.

Шеърият мухлислари бу сонда Ж. Жабборовнинг туркум шеърлари, Э. Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достони ҳамда Уйғуннинг «Абу Али ибн Сино» шеърий драмаси давоми билан танишишлари мумкин.

Шунингдек, журналда В. Архангельскийнинг «Тарихнинг ўттиз дақиқаси» ҳужжатли қиссаси, К. Тенякшевнинг «Оддий операция» қиссаси давоми чоп этилган.

Назир Сафаровнинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан журналда Б. Имомов, Н. Худойбергановларнинг мақолалари, Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллиги олдидан А. Ирисовнинг кичик тадқиқоти босилган.

«Танқид ва адабиётшунослик», «Тақризлар» рубрикалари остида ҳам қатор, қизиқарли мақолалар бор.

КОММУНИСТ САНЪАТКОР

Лазиз ҚАЮМОВ,
профессор, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати.

Ижод сирларини яхши билган улкан олим В. Г. Белинский драматургия бадиий ижоднинг гултожи эканлигини, у санъаткор талантининг энг такомил топган даврида пайдо бўлишини таъкидлаган. Бу фикр айни ҳақиқат эканлигини ўзбек драматургияси мисоли билан ҳам исботлаш мумкин.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида ўзбек драматургияси ҳали қолоқ бўлиб, унинг илк намуналари анча примитив ва насиҳатгўйлик руҳида эди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий социалистик инқилоб воқеалари ва унинг ҳаётдаги улкан давомини саҳнага олиб чиқди, натижада шоирнинг кўп қиррали ҳамда ноёб талантли ўзбек драматургияси ва театр санъати камолот босқичига етди.

Ҳамза ёлғиз эмасди. Унинг қатор сафдошлари ва издошлари бор эди. Улар ҳамкорлик ва биргаликда санъатимизни социалистик реализм йўлидан тараққий эттирдилар. Ҳамзанинг изидан бориб, унинг анъаналарини давом эттирган, унинг шахсий тарбиясини олган ва Ҳамза ижодий меросини кўз қорачиғидек асраб, кемтигини тўлғазиб, халқимизга етказган атоқли адибларимиздан бири Комил Нуъмонович Нуъмонов — Яшин бўлди.

Ўзбек совет драматургияси ва театр тарихини Комил Яшин ижодисиз тавсиф қилинадиган бўлса, у анча камбағаллашган бўлур эди. Зотан, бу адиб ўз талантининг бутун қўрини, умрини, фикрининг зўрини, драматургиямиз ривожига бахш этди. Бу ҳол амалда катта натижалар берди. Бу натижа гоҳ революцион драма жанрида кўринса, гоҳ опера либреттоси бўлиб ифодаланди. Гоҳ бадиий фильм сценарийси бўлса, гоҳ ҳужжатли фильмнинг асоси бўлди. Гоҳ музикали драмада намоён бўлса, гоҳ санъат назарияси ҳақидаги мақола шаклига тушади. Шундоқ қилиб, Ҳамзанинг бу шогирди ва издоши ўз фаолиятида устоздек кўп қиррали ижод соҳиби бўлди.

Ҳамза драматургиясининг энг характерли хусусияти — унинг халқ ҳаёти билан энг яқин алоқаси эди. Бу алоқа мавзунинг долзарблиги, ижоднинг оперативлиги, масалаларни ҳал қилишдаги партиявий принципиаллик каби конкрет ҳолларда намоён бўларди. Шу санаб ўтилган ҳоллар устоз ва шогирд ижодининг умумий белгиларидандир. Чиндан ҳам «Гулсара» — хотин-қизларни эскилик сарқитларидан озод қилиш мавзусида ёзилган энг яхши асарларимиздан бири — ўз вақтида айтилган, ҳаёт учун ғоят зарур бўлган гап эмасмиди? Ва бу асар мазкур мавзунинг юксак бадиий ифодаси сифатида шу кунгача халқ ҳурматига сазовор эмасми? Ва яна мазкур мавзу адибнинг биргина бу асарида эмас, балки бошқа асарларида ҳам атрофлича ишланган ва Улуғ Ватан уруши йилларида ёзилган «Офтобхон» ҳамда ҳаммамизга маълум «Нурхон»лар ҳам жам бўлиб бутун бир туркумни ташкил қилмайдими?

Комил Яшин драматургиясининг кучи фақат ижтимоий асоснинг тўғрилиги ва бутунлигида эмас, балки ўша улкан ва долзарб масалалар юксак бадиий савияда ҳал қилинишида, яратилган образларнинг психологик характеристикаси хилма-хиллигида, драматургиянинг инжиқ қонун-қоидаларини тўла эгаллаганида ҳамдир. Бу даъвомизнинг энг ёрқин далили «Йўлчи юлдуз» драмасидир. Мазкур драма совет адабиётида ўз ўрнига эга ва совет ленинномасидан муносиб ўрин эгаллаган. Агар совет адабиётидаги мазмунан ўхшаш бошқа асарларда «Ленин ва халқ», «Ленин ва революция», «Ленин ва ГОЭЛРО» каби масалалар қўйилган бўлса, бу асарда «Ленин ва Шарқ» проблемаси қўйилган ва у сиёсий жиҳатдан тўғри, бадиий жиҳатдан ўткир равишда ҳал қилинган.

Буларнинг ҳаммаси Ҳамзадек улуғ устози изидан борган драматург Комил Яшин ўзининг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида ўзбек драматургиясида янги саҳифалар очган, унинг мавзуи доирасини кенгайтирган, ижобий образлар силсиласини бойитган, узоқ умрлик асарлар яратган адиб сифатида ўзи устозлар қаторидан жой олганлигини кўрсатади. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг жарангида Комил Яшин овозига эргашган, унинг тарбиясидан баҳраманд бўлган ижодкорлар ҳам оз эмас.

Халқимиз ва ҳукуматимиз Комил Яшиннинг ижодий фаолиятини юксак қадрлади, уни «Ҳамза мукофоти» лауреати унвонига сазовор этди. Ундан аввалроқ адиб СССР Давлат мукофоти лауреати бўлган эди. Унинг юксак илмий хизматлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги деган улуғ даражада ўз ифодасини топган.

Адибнинг хизматига яраша берилган халқ баҳоси уни СССР Олий Совети депутатлигига сайланганда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси фахрий унвони берилганда яна бор намоён бўлди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

Комил Яшин бутун ижоди ва фаолиятини совет халқи хизматига бағишлаган коммунист ёзувчиларнинг ажойиб вакиллари сирасига киради. У узоқ вақтдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР Ёзувчилар союзининг секретарларидан бири. Сўнгги вақтда у Осиё ва Африка ёзувчилари билан ҳамкорлик қилиш совет комитетининг раиси сифатида улкан ишларни амалга оширмоқда.

Комил Яшин — коммунист санъаткорнинг ажойиб ижобий намунасидир.

ҲАМКАСБЛАР ФИКРИ

Уни жонажон Ўзбекистоннинг солномачи—драматурги дейиш мумкин. Чунки у ўз асарларида чоризм даврида ўз ҳолига ташлаб, бўғиб қўйилган ўлкада социалистик республика барпо қилишнинг бутун тарихини кўрсатган. Совет ҳокимиятини қуриш учун халқ кураши, буржуа миллатчилигига қарши кураш, ўзбек хотин-қизлари тақдири, коллективлаштириш учун кураш — буларнинг ҳамма-ҳаммаси унинг мавзуидир.

Николай ТИХОНОВ.

* * *

...Комил Яшин айниқса ижобий образларининг талқини устида мен билан кўп тортишарди. Аброрнинг репетиция процессида яратган Арслон образининг дастлабки трактовкаси Яшинга ёқмади. «Арслонда ҳали душманга қарши қақшатқич куч, юксак коммунистик ирода етарли эмас, инсонлик фазилатлари ҳам тўла очиб берилмаган», деб бу образ устида Аброрни ҳам, мени ҳам қайта-қайта ишлашга мажбур қиларди.

Маннон УЙҒУР.

* * *

Яшин саҳна асарларининг устасидир. У халққа танилган, ўзбек ёзувчилари орасида энг сермаҳсул драматургдир. Унинг ижодий фаолияти ранг-баранг. У жуда кўп пьесалар ёзган. Яшин драмалар, опера либреттолари, музикали драма текстлари ва фильмлар учун сценарийлар яратган. Яшин кишининг қалбига тўқинадиган психологик ҳолатларни тасвирлашга моҳир ёзувчидир.

Ҳамид ОЛИМЖОН.

* * *

Катта Фарғона канали қурилиши... Чордона қурган минглarча халқ Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» асарини жуда ҳаяжон, юксак туйғу билан томоша қилган. Яшилкўприкда Яшиннинг «Гулсара» ва «Бўрон»и ҳам халқ денгизини жалб этди. Катта муваффақият қозонди. Халқ шулардан завқ олди.

ОЙБЕК.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Қ. МАЛИКОВ: Автобус шофёрларини нормаланмаган ишларга жалб этса бўладими?.

Жавоб: Меҳнат ҳақидаги қонунга кўра умуман уларни нормаланмаган ишга жалб этиш мумкин эмас. Бу шунингдек, юк автомобиллари, махсус машиналарни ҳайдовчиларга ҳам тааллуқлидир.

∴ ∴ ∴

О. САЛИМОВ: Мен шофёр бўлиб ишлайман. Автобазада ўз иш вақтимдан ташқари яна юк ташиш кераклигини айтишган эди, мен унамадим. Энди маъмурият ишдан бўшатмоқчи. Бу қанақаси, ахир иш кунида интизомни бузганим йўқ-ку?

Жавоб: Иш вақтидан ташқари топширилган қўшимча ишни бажаришдан бош тортган шофёрни (фақат шуни рўкач қилиб) бўшатиш мумкин эмас. Сабаби шуки, шофёр бутун иш куни мобайнида толиққан бўлиши, бу эса аварияга олиб келиши мумкин.

∴ ∴ ∴

Л. ХИДОЯТОВ: Суд чиқимлари кимлар томонидан ундирилади?

Жавоб: Суд чиқимлари ҳукм қилинганлар устига юкланади ва суд томонидан уларнинг ҳар қайсисига тақсимланади ёки давлат ҳисобига ўтказилади.

Суд айбланувчини айбдор деб топган тақдирда таржимонга тўланган пулдан бошқа суд чиқимларини айбдордан ундириб олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бир неча киши айбдор деб топилса суд ҳукм қилинганларнинг мулкий аҳволини ҳисобга олиб айбдорларнинг ҳар биридан чиқимнинг қанча миқдори ундириб олиниши лозимлигини ҳукмда кўрсатиб қарор қабул қилади.

∴ ∴ ∴

Б. АКБАРОВ: Газеталардаги сиёсий мақолаларда баъзан «вето» сўзини учратиб қоламан. У қандай маънони билдиради?

Жавоб: Вето деганда капиталистик давлатларда давлат бошлиғининг ёки парламент юқори палатасининг қонунчилик органи ёки қуйи палата томонидан қабул қилинган қонуннинг кучга киришини таъқиқлаши ёки вақтинча тўхтатиб қўйиши тушунилади. БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида овоз бериш пайтида буюк давлатларнинг якдиллигини ноаниқ қилиб «вето ҳуқуқи» дейилади: Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзосидан биттаси қарши овоз берса, халқаро тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича ҳар қандай қарор қабул қилинмаган ҳисобланади.

∴ ∴ ∴

М. АСОМОВ: Мен «Тошкент» автостанциясида ўтган йили қанча пассажирларга хизмат кўрсатганлиги ва бир суткада қанча йўловчига хизмат кўрсатилиши ҳақида билмоқчи эдим.

Жавоб: 1979 йилда «Тошкент» автостанцияси 1 миллион 140 минг йўловчига хизмат кўрсатди. Ҳар бир кварталда 287 минг йўловчи ҳожати чиқарилди. Бир ойда эса 96 минг, бир суткада 4 минг йўловчига хизмат кўрсатилмоқда.

∴ ∴ ∴

У. АЛИЕВА: Уйимизда ҳар хил гуллар ўстирганмиз. Унинг янада яхши ўсиши учун минерал ўғитлар сотиб олмоқчи эдик. Шуни қайси магазиндан харид қилишимиз мумкин?

Жавоб: Шаҳримиздаги «Тошкент гуллари» идорасига қарашли барча магазинларда сиз қидираётган минерал ўғитларни харид қилишингиз мумкин. Бундай магазинларнинг энг йириги Правда Востока кўчаси ва Ленин проспектида жойлашган магазинлардир.

Дилшоднинг «Тарихи муҳожирон» асари ҳақида

XIX АСРДА Ўратепада туғилиб, Қўқонда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоира Дилшод (Барно) ҳаётбахш ғазал ва мурабба, мухаммас ва маснавийлар муаллифигина бўлиб қолмай, ўз навбатида «Тарихи муҳожирон» автобиографик асарининг ҳам соҳибидир. Ўзбек ва тожик тилларида ёзилган бу асар адибанинг ҳикоянавислик соҳасидаги иқтидорини намойиш қилиш билан бирга, XIX аср ўзбек ва тожик халқларининг ижтимоий, сиёсий ва адабий ҳаётининг айрим воқеаларини объектив баҳоланиши билан ҳам ҳарактерлидир.

«Тарихи муҳожирон»ни тарих ва тақдир шажараси деб аташ мумкин. Чунки бу асар ўша даврда яратилган кўпгина тазкира ва тарих китобларидан фарқли равишда бевосита шоиранинг ўз кўзи билан кўрган ва бошидан кечирган воқеаларни бадиий ифода этади. Асарда ўзбек ва тожик халқларининг ҳаёти, XIX аср давомида рўй берган воқеалар, халқ тақдирига бўлган оптимистик қараш кўтаринки руҳ билан аниқ ва изчил ёритилади.

«Тарихи муҳожирон» асарининг ўзбекча ва тожикча нусхалари мавжуд. Текширишлар ҳар икки нусха ҳам Дилшод қаламига мансуб эканлигини тасдиқлайди.

«Тарихи муҳожирон»нинг тожик тилидаги нусхаси биринчи мартаба тожик олими А. Мухторовнинг Дилшод дунёқарашига оид асарига илова қилинган тексти орқали таништирилган эди. Асарнинг ўзбекча нусхаси эса, шоиранинг Ўзбекистонда топилган «Сабот ул башар» маа «Тарихи муҳожирон» деб номланган қўлёзмасидан маълум.

Характерли томони шундаки, ҳар икки тилда ёзилган «Тарихи муҳожирон» мундарижа ва характер жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, шоиранинг девон кўринишига яқин бўлган лирик мероси жамланган саҳифаларнинг ҳошиясига ёзилган. Уларни муқоясали ўрганиш мазкур асар текстидаги бир-бирига яқин, бир мазмунга эга бўлган саҳифалар билан бир қаторда воқеалар тизмасида айрим фарқларнинг ҳам борлигини кўрсатади. Яъни ҳар икки тилдаги нусха бири иккинчисининг кам-кўстини тўлғазиб яхлитлик касб этади.

«Тарихи муҳожирон» асари автобиографик характерда бўлса ҳам унда замонанинг сиёсий воқеалари — хонлар ўртасидаги истилочилик юришлари, қирғин, вайронликлар реал ифодасини топган. Асар ана шу «воқеаларни ёшлик кўзлари билан кўриб... мушоҳада қилган жонли гувоҳ» тилидан ҳикоя қилинади. Унда тарихий воқеаларни реал тасвирлаш, образлар воситасида гавдалантириш кучлидир. Дилшод кўз ўнгида рўй берган ҳодисаларни бўрттирмай, бўямай баён этишга эришади. Натижада у тарихий лавҳаларни моҳият жиҳатидан тўғри талқин қила боради.

Асар асосан Қўқон хони Умархоннинг Ўратепа устига юриши ва шу истилочиликнинг хунук оқибатларини ҳикоя қилиш асосига қурилган. Лекин асарда воқеалар доираси фақат муҳориба тарихи билангина чекланиб қолмайди. Дилшод хоннинг Ўратепа устига қилган даҳшатли уруши ва кейинча зўрлик билан Қўқонга ҳайдаб олиб келинган Ўратепа халқининг «Андижоннинг сув келар томонидаги Ўттиз Адир». «мавзеига итоб қилиниши» воқеаларидан кейин ўзининг Қўқонда кечирган ҳаётини ҳам кенг ёритади. «Тарихи муҳожирон»да шоиранинг Қўқондаги ҳаёти тор шахсий маълумот доирасида қолмай, балки ўша даврдаги ижтимоий, маданий ҳаёт фонида қаламга олинади. «Тарихи муҳожирон»ни шоира ҳаётининг икки босқичи, биринчидан унинг уруш-талашлар оқибатида келиб чиққан сарсонлик-с а р г а р д онлик йиллари, иккинчидан Қўқонда турғун бўлиб қолган даврининг йилномаси деб айтиш мумкин.

Асардан шу нарса англашиладики, тўрт девор ичида яшашга маҳкум этилган шоира ҳамиша эрк умидида бўлади, инсон ҳаётини безовчи нурга интилади. У эллик бир йил мактабдорлик қилиб, кўплаб қизларни саводли қилиб чиқаради. Анбар отин каби талантларни пайқаб, уларнинг тарбиясига эътибор билан қарайди, камолатига умид боғлайди.

Дилшод тарихий лавҳаларни ҳикоя этар экан, ижодкор сифатида воқеаларни бир-бири билан муқояса қилади. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши муносабати билан юзага келган янгиликларга катта эътиқод билан қараган шоира «бузғунчи нафс овораси» бўлмиш ўтмиш ҳокимларнинг зулмини қоралайди. «Оташ ароба»да юрти Ўратепага икки мартаба боришга муяссар бўлган Дилшод «сафар асносида, қамал бўлган кунларимда Ўратепа асирлари итоб бўлиб, узоқ йўлнинг даҳшатли азобида, чўл-биёбонларда, пойи-пиёда ҳайдалиб юрганларим, жанг майдонидаги шўру-ғулғулалар, осиб ўлдиришлар оинаи жаҳоннамодек бирма-бир кўзим олдидан ўтар эди» деб ёзади.

«Тарихи муҳожирон»да Қўқон ва Ўратепанинг XIX аср адабий ҳаёти ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Дилшод ўз даври адабий ҳаётининг иштирокчиси сифатида бадиий ижод билан шуғулланган жуда кўп шоир ва шоираларнинг номларини қаламга олади. Масалан, асарнинг тожик тилидаги нусхасида Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Фидоия, Баҳринисо, Ҳафиза отин, Маҳин бону, Тўти қиз, Анбар отин каби шоираларни тилга олса, ўзбекча нусхасида Мазлума, Хайринисо, Умида каби талантларни эслайди. Ўратепалик Санда бону, Кароматой, Мастураой, Фазилатбону каби шоираларнинг ҳам яшаганини қайд этади. Афсуски бу шоираларнинг кўпларининг ижодлари ҳали бизга маълум эмас.

Дилшод ижодининг ғоявий-бадиий йўналишини ўрганиш шоирани прогрессив-демократик адабиётнинг вакилларидан бири деб айтишга асос беради. У замондош шоира, олим, фузалоларнинг ижодий фаолиятини асосан объектив баҳолайди.

Шоира асарнинг ўзбек тилидаги нусхасининг охирги сатрларида келажакда, албатта, яхши замонлар бўлиши муқаррарлиги ҳақида фикр юритади. Бу эса унинг оптимистик дунёқарашидан далолат беради.

«Камина ва замон аҳли ул орзуимда бўлгон замонларни кўролмас. Аммо албатта авлод ва ўрта замона аҳли ул замонға мушарраф ўлурлар. «Кемадагилар жони бир» деган мақол рост. Ушбу замонда нез ул келгуси замонға бормоқ сафарига чиқиб, бепоён баҳри уммон кемаси ичра сафарда кетаётган норасида ёш ҳамфикр замондош улфатларим беҳад кўпдир...»

Дилшод ўзининг бу асарини ёшликдан бошлаб узоқ кузатишлари асосида яратди. Унда шоиранинг ўз ҳаёт йўли ҳақида «то саксон саккиз ёшгача ойнаксиз хат кўриб, чок тикар эрдим» деб ёзганидан асарни XIX асрнинг охири, яъни 90-йиллар орасида яратилганлигини тахмин қилиш мумкин.

Биз, XIX асрнинг охирларида кўчирилган, юқорида қайд этилган ҳар икки нусхага таянч манба сифатида қараймиз. Тўғри, қўлёзма баъзи камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эмас. Унда тугалланмай қолган жумлалар учрайди. Асарнинг бошланғич ва охирги саҳифалари йўқолганлиги туфайли унинг муқаддимаси ва умумий ҳажми бизга маълум эмас. Шунга қарамай, асарнинг воқеалар қамровида ва ҳодисалар баёнида маълум бир яхлитлик сезилади. «Тарихи муҳожирон» қаламга олган даври Ўратепа ва Қўқонда юз берган воқеалар хусусида, Дилшоднинг ўз ҳаёти ва унинг атрофидаги кишилар борасида тўлароқ маълумот беради. Асарнинг қиммати ҳам шундадир.

Маҳбуба ҚОДИРОВА,
филология фанлари доктори.

Эркин ВОҲИДОВ

Руҳлар исёни

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Калькутта. 1926 йил
Калькуттани
Кучди ғулу.
Бош кўтарди
оломон.
Қутлуғ жанг,
деб,
турди ҳинду,
Ғазот,
деди,
мусулмон.
Брахманлар довул
қоқди,
Фатво берди
Имомлар.
Кўча тўлиб
қонлар оқди
Тўқнашганда имонлар.
Фарзандидан она
айру,
Отасидан—
қиз, ўғлон.
Будда ҳаққи,
Бос,
дер ҳинду,
Алқасос, дер—
мусулмон.
Ҳинду иши таҳқир
бўлди,
Муслим иши—
таҳдидлар.
Бутхоналар вайрон
бўлди,
Яксон бўлди
Мажлислар.
Рикшами бу,
соҳибми бу,
Гадоми ё
зодагон—
Фарқсиз,
Фақат—
Бир ён ҳинду,
Бир ён эса—
мусулмон.
Сиртга чиқди
Асрлик кин
Ва минг йиллик
кудурат.

Икки жондош эл аро
дин
Яна солди
адоват.
Аслида-ку
Ҳаёт оғу,
Турмуш ўзи
зимистон.
Айбдор эмас
бунга ҳинду
Гуноҳкормас
мусулмон.
Аслида-ку...
Беизтироб
Хўплаб қора
қаҳвони,
Деразадан
оқ тан жаноб
Кузатар можарони.
У кўп хурсанд,
Лабда кулгу,
Кўзи чақнар
комирон.
Мусулмонни сўкар
ҳинду,
Ҳиндни эса
мусулмон.
Жаноб шодон,
Ушолмоқда
Ниятнинг энг улуғи.
Ҳосил берди шу
тупроқда
Экилган нифоқ уруғи.
Бўлмасин деб
қилар орзу
Бу низога ҳеч поён.
Майли,
Кўпроқ ўлсин ҳинду,
Кўп қирилсин
мусулмон.

* * *

Нарзул
Жоҳил оломонга
Қаради-ю
оҳ чекиб—
Ўзни отди тик
майдонга
Ёқасини чок этиб.
Фарёд қилди:
«Не ваҳшат бу,
Бас, халойиқ!
Ал омон!
Қотилликни тўхтат,
ҳинду,
Ғазотни қўй,
мусулмон!
Бизлар, ахир,
Биродармиз,
Фарзанд Одам атоға!
Ҳақ олдида
баробармиз,
Айтинг!
Не бор низога!
Хунрезлик қил
демаган-ку
На Ведаю,
На Қуръон!
Тиғ уради
нега ҳинду,
Бош кесади
мусулмон!
Фарқ—
ким меҳроб,
ким бутга
Сиғиниб бош қўядир.
Шу фарқ учун
Ёқиб ўтга
Эл бир-бирин сўядир.
Бас адоват!
Бас энди кин,
Жангни қўйинг,
Одамлар!
Сизнинг асли
ёвингиз ким—
Билиб қўйинг,
Одамлар,
Улар!
Узоқ юртдан келиб,
Ерга букиб шонимиз.
Бизни бизга
Душман қилиб
Сўрмоқдалар
қонимиз.
Босқинчининг
Қадимданоқ —
Фалсафаси аёндир.
Эл ичида бўлса
нифоқ,
Демак,
золим омондир.
Улар
Мазлум ватанида
Бўлмасин дер
собитлар.
Жаҳолатнинг
гулханида
Исинади
зобитлар.
Элдан омад кетса,
дастлаб
Ҳамжиҳатлик
йўқолгай,
Сиртмоқ ташлаб
Ҳар босқинчи
йиқолгай.
Бу адоват
Наҳот мангу!
Наҳот битмас
бу қирон!
Дўст бўлолмас
Наҳот
ҳинду —
Жигарига
мусулмон!
Сен ҳиндмисан,
Муслимми ё,
Бирлик чоғи бу
чоқдир.
Босқинчини
энг аввало
Ҳинд баҳрига
улоқтир.
Сўнг ушалгай
Барча орзу,
Яшар озод,
тинч, омон
Ватанига эга ҳинду,
Юртида бек—
мусулмон.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Кўклам жилолари

Мана, етиб келди шонли Саксон ҳам,
Қаранг-а, қанчалик баланд бир довон.
Бошинг гир айланиб кетгайдир бир дам
Босилган йўлларни ҳис этган замон.

Улар беҳисобдир, гўё минг ирмоқ
Қўшилиб, чўнг дарё яратган мисол,
Олис-олислардан оқиб келар, боқ,
Ҳар бири бир тарих, бир нурли тимсол.

Юрилди солдатдек кўп талотўпда,
Тирмашиб, неча бир қоя ошароқ,
Баъзан тик манзилда, баъзан окопда,
Пешанада юлдуз, қўлда ол байроқ.

Олис-олисларда ётар йўл боши,
Жанглар гурросини тинглarман яққол.
Бугуннинг бор мазмун ва тамал тоши
Ўшанда қўйилган—оти Истиқбол!

Ўпқонлар, тўфонлар йўлда кутарди,
Минг йиллар орзусин дилда тутиб ёд,
Бизни бу довонга дадил кўтарди
Ўша инқилобий, фидоий аждод.

Бу йўлнинг бошида Ленин имони
Чек қўйди минг йиллик оғир бардошга,
Ўнгай бўлмаганди ғариб дунёни
Рутубатдан олиб чиқмоқ қуёшга.

Мана, Саксонинчи азамат чўққи
Қаранг-а, нечоғлик қудратли довон!
Бундай Коммунистик кенгликлар уфқи
Кўзга ташланмоқда ёрқин ва равон.

Талай беш йилликлар силсиласида
Курашлар, меҳнатлар бўлиб мужассам,
Барпо эта олдик Ер сийнасида
Бахту эрк нуридан абадий кўклам.

Юртнинг ҳам, шахснинг ҳам бор ўз довони,
Юксалиб эллик ёш аталмиш қирга,
Кўраман умримнинг яна давомин,
Ўзни пайваст сезиб янги асарга.

Минг ёш

Чиқиб келаётир кўҳна тарихнинг
Бағридан минг ёшлик улуғ бир сиймо,
Йўлига гул сепинг буюк табибнинг,
—Марҳабо!—валломат жаддимиз Сино.

Афшона қишлоқлик оддий Ҳусайн,
Зарафшон сувини ичган бир фарзанд,
Замон ўтган сайин, аср ўтган сайин
Бунча қадр топмиш, бунча аржиманд!

Не бахтдир, бир дардга бўлмоқлик малҳам,
Биров мушкулига бахш этмоқ ҳожат!
Дунёвий фанларни ўзда этиб жам,
Қомусий бир ақл сочди ҳарорат.

Она тупроғимиз, қадим-қадимдан
Инжу тафаккурга қутлуғ ошиён,
Чексиз идрокингдан, теран қалбингдан
«Аш-шифо», «Ал қонун» эмасми нишон?

Зулмат оғушида бор эди ёғду,
Ўкинчли сасингда ёлқинли бир ҳис,
Сино номи билан довруғ солди-ку
Бухоро фарзанди ул Шайхуррайс.

Унга таъзим қилди Микеланжело,
Данте ҳурмат билан солди китобга.
Қалбига сен бериб табаррук жило,
Шарафин кўтардинг бугун офтобга.

Бешигин тебратиб, алла айтган дам,
Ситора исмли маъсума аёл,
Бағрида қандайин ёрқин бир олам
Тамшаниб ётганин этганми хаёл?

Қатрада —осмону, заррада — дунё—
Ким бу ҳақиқатга бермоқ бўлса тан,
Сино сабоғидан дарс олсин, зеро
Унда мужассамдир бор инсоний фан.

Кўп ҳикматлар кўрмиш бу кўҳна замин,
Ўтмиш кўп жаҳонгир, зобит қиличбоз.
Тарих суриб кетди улар қадамин,
Инсоний камолда бўлолмай мумтоз.

Биз, эзгу ишларга ворис бир авлод,
Бугунги юксакдан боқароқ мамнун,
Замондош Синони дилдан этиб ёд,
Шонларга буркаймиз барҳаёт номин.

САНЪАТ ОЛАМИДА

1979 йилда артист Владлен Егорович Бирюков ёзувчи Анатолий Ивановичнинг «Мангу даъват» романи бўйича яратилган кўп серияли телевизион бадиий фильмда чекист Яков Алейников ролини ижро этганлиги учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Валентин Бирюков Новосибирск театр билим юртида таҳсил кўрган. Сўнгра Новосибирск ёш томошабинлар театрида ишлади. Мана тўққиз йилдан бери у Новосибирскдаги «Қизил машъала» театрининг артисти. Ана шу вақт ичида у театр ва кинода ўнлаб катта ва кичик ролларни ижро этди.



СУРАТДА: В. Е. Бирюков қизи Надежда билан.

ТАСС фотохроникаси.

ЯНГИ ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биохимия институтида янги илмий лаборатория пайдо бўлди. Бу лаборатория Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси ҳузурида ташкил этилган бўлиб, фақат ишлаб чиқариш масалалари билан шуғулланади. Тармоқ лабораторияси тадқиқотлар программасига физикавий ва химиявий омилларнинг паррандалар организми ривожланишига таъсирини ўрганиш билан, ана шу омиллардан саноат паррандачилигида фойдаланиш рационал методларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалалар комплекси киради.

Ҳозирги кунда республика Фанлар академияси химия-технология фанлари, механика ва бошқариш жараёнлари бўлимларининг институтларида ҳам тармоқ лабораториялари ишлаб чиқаришдаги ўзига хос илмий «таянч»лар мавжуд. Ишлаб чиқариш коллективлари олдида конкрет илмий-техникавий проблемалар ва вазифалар турибди. Тармоқ лабораторияларининг ана шу проблема ва вазифаларни ҳал этиш илмий ишларнинг амалда жорий этилишини тезлаштиришга қаратилган фаолияти фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқанинг бундай шакли самарали эканлигини исботлади. Шу йилнинг ўзидаёқ академиянинг корхона ва хўжаликларда ишлаб турган илмий бўлинмаларини бир неча баравар кўпайтириш мўлжалланган.

(ЎзТАГ).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 ЯНВАРЬ. ДУШАНБА

Марказий телевиденненинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма: «Жетиген» (Олмаота). «Ўз гулинингнинг расмини сол» (Киевнаучфильм»). 16.00 «Звездочет». Тележурнал. 16.45 «Оналарнинг мактаби» 17.15. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Ленин қадамжолари бўйлаб». «Шушеда, Саян тоғ ёнбағирларида». Ҳужжатли фильм. 17.45 «Мунозара— клуб». 19.00 Фильм-концерт. 19.15 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 19.45 «Беш йиллик. Якунловчи йил». «Енилги тежаш учун». 20.15 Европа энг кучли фигурачиларининг кўргазмали чиқишлари. Швециядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 СССР халқ артисти Н. Ткаченко концерти. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Қалбга яқин». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.50 Совет Армияси жангчилари учун «Ватан посбонлари» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 А. П. Чехов туғилган куннинг 120 йиллигига. «Ижод саҳифалари». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Сўна». Бадиий фильм. (рус.). 23.40 Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Сокол» (Киев). «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залидан репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Адабиёт». «Садриддин Айний». 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент)— СК «Салават Юлаев» (Уфа)— 3-давр. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган).

29 ЯНВАРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденненинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 А. П. Чехов. «Чайка». М. Горький номли. СССР Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. Кўрсатув тугагач (13,05) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар Марказий студиясининг ҳужжатли фильмлари программаси: «Қаердадир тепамизда мовий осмон бор», «Совет ватанпарвари». 16.00 «Жонажон табиат». 16.20 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 16.50 «Ёшлар учун музикали кечалар».

18.45 «Жасорат». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 А. П. Чехов туғилган куннинг 120 йиллигига. «А. П. Чехов». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Леннаучфильм» Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. 20.00 «Сайловдан-сайловгача». 20.15 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия «Грузияфильм». Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан 1977 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Гитарачи С. Марото концерти. (Франция).

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романида табиат манзаралари», Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Умка дўст излайди». Мультфильм. 12.10 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». 13.20 «Нафосат оламида». Ўзбекистон рассомлар союзи кўргазма залидан репортаж (рус.).

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Нурафшон давра» (рус.). 18.50 «Миллионлар ленинча университети». «Ишлаб чиқариш моддий-техника таъминотидаги янгиликлар». 19.05 «Халқ контроли экрани». 19.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.45 «Манеж усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти А. Юсупов туғилган куннинг 75 йиллигига (рус). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ўзбекистоннинг навқирон балети». Музикали кўрсатув. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Тошкент область Ғалаба районидаги В. Волков номли совхоз чорвадорлари ҳузурида». 22.20 «Театр учрашувлари». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрида «Келинлар қўзғалони» спектаклининг 300 маротаба намойиш этилишига бағишланади. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Граждан ҳуқуқи». 20.55 Абитуриентлар учун. Физика. 21.55 А. П. Чехов туғилган куннинг 120 йиллигига». «Жонгинам» Бадиий фильм. (рус.).

30 ЯНВАРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.15 Москва Давлат симфоник оркестри М. Равель асарларини ижро этади. Дирижер — СССР халқ артисти В. Дударова. Кўрсатув тугагач (13.15) — Янгиликлар. 15,00 Янгиликлар. 15.20 «Оталар соати бўйича». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев). 15.50 «Ҳунар-техника билим юртида нимага ва қандай ўқитишади». 16.35 А. Толстой. Асарлари саҳифаларидан. 17.20 «Горнчилар, қаердасиз!». 17.50 Поэзия. Р. Альберти.

18.30 «Фан оламида». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР ва Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллигига. «Қизил майдондан Қизил дарёгача». Ҳужжатли фильм премьераси. Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси 1979 йил. 20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси электр музикали чолғу асбоблари ансамблининг концерти. 20.20 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевизион викторина. 23.25 «Дунё воқеалари». 23.40 Чанғи спорти бўйича СССР кубоги. Эркаклар. 50 км. Красногорскдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I.

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Сўз кетидан, сўз келар Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 18.30 Фан ва техника соҳасида 1979 йилги Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреатлари. 18.55 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.10 Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — ТТУ (Ленинград). «Меҳнат резервлари». спорт комплекси залидан репортаж. (ёзиб олинган). 19.30 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденнеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Қишлоқ меҳнаткашларининг муҳим вазифалари». 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Бунинг менга дахли йўқ». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 «Эстетика асослари». «Санъат турлари», Кино». (рус.). 20.45 Янгиликлар. 21.05 «Тошкент районн меҳнаткашларининг янги марралари». 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

31 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденненинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!» 10.35 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.45 А. Бородин. Иккинчи торли квартет. С. Танеев номли Давлат квартети ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 12.15 «Петр Капица ҳақида ҳикоялар». Телевизион ҳужжатли фильм. «Экран». Кўрсатув тугагач (13.00)— Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Доғистон менинг уйим». Ҳужжатли фильм. «Центрнаучфильм». 15.40 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ». 16.10 «Рус тили». 16.40 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.40 Халқаро конкурс лауреати В. Вишневский (фортепьяно) ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.00 «Перуга йўл». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Экран». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Ленин номи билан». 20.00 «Халқ оҳанглари». 20.15 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 3-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Хилма-хил чеҳралар». СССР халқ атисти И. Ильинский иштирокида телевизион фильм. 1971 йил. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 «Биз ошиқ бўлганда». Фильм-концерт.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Зум-зум». Мультфильм. 11.45 «Том Сойернинг саргузаштлари». Телеспектакль (рус.). 13.00 «Маша ва айиқ». Фильм-опера. 13.35 «Бунинг менга дахли йўқ». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қуён карами». Мультфильм. 18.30 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 18.50 «Ўзимизнинг ишчи депутат». Бекобод цемент заводининг экскаватор машинисти А. Ғойибназаров ҳақида телеочерк. 19.00 «Жанговар постда» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 20.50 «Раққоса ҳиром этганда...» Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Йўлдошева. Музикали кўрсатув. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик —зарбдор фронт». 22.20 Телевизион театр. В. Ольшанский. «Хат». 23.20 Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати «Автомобилист» (Тошкент)— «Мединститут» (Одесса). «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залидан репортаж (ёзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Эстетика асослари». «Санъат турлари. Рақс». 20.55 Реклама. 21.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

1 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевиденненинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.35 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизон бадиий фильм. 3-серия. 11.45 Балет артистларининг концерти. 12.25 Н. Г. Чернишевский. Хатлар. Хотиралар Кўрсатув тугагач (13,05) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари программаси: «Львов лавҳалари» (Киев). «Санъат кўчага чиқмоқда» (Ереван). «Воронеж» (Волгоград) 16.20 «Ўқитувчига—музика дарси». 17.20 «Телестадион».

17.50 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Чин сеҳрли». Бадиий фильм. М. Горький номли киностудия. 1975 йил. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Москва шаҳар, 7-педагогика билим юрти хотин-қизлар хорининг концерти. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.20 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Союзлар уйи Колонна залидан концерт. 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Давлат рус музейи. «XIX аср биринчи ярмидаги амалий санъат». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ғаройиб дўст». Мультфильм. 11.45 «Геклберри Финнинг саргузаштлари». Телеспектакль (рус). 12.55 «Колумб» шхунасининг юнгаси». Бадиий фильм. 14.10 «Касблар ҳақида ҳикоялар»

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Хушчақчақ дўстлар». Мультфильм. 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Д. Орифжонова билан учрашув. 19.15 «Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Телефильм. 20.00 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Н. Охунбобоев номли Андижон музикали драма ва комедия театрининг солисти Н. Ҳамроқулов концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Жиноят». 1-фильм. 23.20 Эркин кураш бўйича халқаро учрашув. СССР — АҚШ. «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залидан репортаж (ёзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан «Авлодлар биографияси» (рус.). 20.55 Абитуриентлар учун. Математика. 21.55 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Граждан ҳуқуқи» (рус.). 22.25 «Сокин тонг». Телевизион бадиий фильм.

2 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА.

Марказий телевиденненинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «АБВГДейка». 10.35 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.45 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.45 Литва ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Апанавичуте куйлайди. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 13.45 «Спортлото» тиражи. 14.00 СССР халқ артисти А. Попов А. П. Чехов ҳикояларидан ўқийди. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун «Оқ тиш» Москва илмий оммабоп фильмлар студияси. 1946 йил. 16.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.35 Мультфильмлар программаси: «Ростик ва Кеша», «Кичкинтой Гиппопонинг саргушатлари». 18.00 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 18.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». 19.25 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.05 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Аср бошида». Бадиий фильм. «Мосфильм». 1961 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Социалистик мамлакатлар бал рақслари IV Халқаро конкурси қатнашчиларининг кўргазмали чиқишлари (Москва). 23.00 «Бош тренер». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Экран». 23.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. Дирижер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Некрасов. Кўрсатув тугагач (23.55)— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Қалбим ардоғи». Концерт. 10.45 «Ўзбекистон Олимпия йилида». Спорт программаси. 11.15 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». (рус.). 11.45 «Театр ва замон». М. Уйғур номли Сурхондарё область музикали театрининг гастроллари олдидан. 12.45 М. В. Фрунзе туғилган куннинг 95 йиллигига. «Ўртоқ Арсений». Бадиий фильм (рус.). 14.10 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ғаройиб саргузашт. Мультфильм. 18.40 Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон ўқувчилари терма командаларининг чиқиши. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта «Жиноят». 2-фильм. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденнесининг программаси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан» (рус.). 18.35 Болалар учун фильмлар. 19.15 «Новости» информацион программаси (рус.). 19.30 Тожикистон телевиденнеси ва радиоси солистларининг концерти. 20.10 «Ахбор». Информацион программа. 20.30 «Дугонаҳо». Телевизион клуб. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик —зарбдор фронт». 22.25 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. Телевизион бадиий фильм. (рус.). 23.40 Душанба кўрсатувларининг охири.

3 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевиденненинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.05 «Будильник». 10.35 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.35 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.20 «Тонги почта». Музикали программа. 12.50 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал. 13.05 «Қишлоқ янгиликлари». 14.05 «Музикали киоск». 14.35 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. «Мосфильм» Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. 1974 йил. 15.40 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 16.25 «Ҳаётга йўлланма» туркумидан. «Биринчи шудгор» телевизион ҳужжатли фильм премьераси. (Минск). 17.10 Вьетнам Коммунистик партиясининг 50 йиллигига бағишланган программа. «Кураш авангардида». «Репортаж. «Тхонг Лонг» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.10 «Ёзги гастроллар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Экран». 1979 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Музика ҳақида суҳбатни давом эттирамиз». 23.30 «Яхши урф-одатларимиз». Ҳужжатли фильм. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Баёт» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 11.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Ҳужжатли киноленинома тарихидан» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Пётр Климов кўчаси» Телефильм. 13.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен овоз бераман». 13.50 «Ҳаёлпарастлар». Бадиий фильм. 15.00 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган». 18.45 Болалар учун. «Бойчечак». 19.15 «Вьетнам Коммунистик партияси ташкил топган куннинг 50 йиллигига». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 М. Қори Ёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ўзбек цирки манежида». Янги цирк программаси. Трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ўзбек цирки манежида». Янги цирк программаси давоми. 23.15 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг программаси.

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран—болаларга. 16.20 «Мен сизни учратдим». Телефильм. 16.50 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Париж. Ленин проспекти». Хроникал-ҳужжатли фильм. 17.45 «Қиргизтелефильм». кўрсатади. «Рақс менинг ҳаётим». Фильм-концерт. 18.20 «Новинки» киноклуби. 19.20 А. Сеамов. «Жаладан сўнг. Телепостановка (қирғиз тилида). 20.50 Э. Турсуналиев куйлайди. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА
УЛУҒ АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН

МАҚОМ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР Езувчилар союзининг аъзоси, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Абдуқодир ҲАЙИТМАТОВ

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг

МАҚОМЧИЛАР АНСАМБЛИ

М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ШАРҚ МУЗИКАСИ КАФЕДРАСИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари— Шавкат МИРЗАЕВ.
Музика раҳбари— Темур МАҲМУДОВ.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати

Ёқуб АҲМЕДОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ва XI Жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати

Маъмура ЭРГАШЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Исҳоқ КАТАЕВ, Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА.

Солистлар: Эсон ЛУТФУЛЛАЕВ, Очилхон ОТАХОНОВ, ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон ВАҲОБОВЛАР, Матлуба ДАДАБОЕВА, Ўринбой ОТАЖОНОВ, Изро МАЛАКОВ, Муножот ЙЎЛЧИЕВА, Комила АМИНОВА, Раъно РЎЗИҚУЛОВА, Зайнаб МАДАМИНОВА, Абусаид АЗИМОВ, Аҳмаджон ҚУРБОНБОЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари— Туйғун ОТАБОЕВ.

Рақсларни саҳналаштирувчи— Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз МИРКАРИМОВА.

Программани— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба ҚАМБАРОВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/II да — **БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.**
2/II да — **ТРАВИАТА.**
3/II да — **ЭТИК КИЙГАН МУШУК** (12.00). **ДОН КИХОТ** (19.00).
5/II да — **ДИЛОРОМ.**
6/II да — **ЖИЗЕЛЬ.**
7/II да — **ПИКОВАЯ ДАМА.**
8/II да — **СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА.**
9/II да — **ПЕТР БИРИНЧИ.**
10/II да — **ЗОЛУШКА** (12.00). **РИГОЛЕТТО** (19.00).
12/II да — **ТОҲИР ВА ЗУҲРА.**
13/II да — **ОҚҚУШ КЎЛИ.**
14/II да — **ЧИО-ЧИО-САН.**
15/II да — **ДУНЁНИНГ ЯРАТИЛИШИ.**
16/II да — **БОРИС ГОДУНОВ.**
17/II да — **ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ШАМЧИРОҒИ** (12.00). **СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА** (19.00).
19/II да — **МАЙСАРАНИНГ ИШИ.**
20/II да — **ЖИЗЕЛЬ.**
21/II да — **КНЯЗЬ ИГОРЬ.**
22/II да — **КОНЦЕРТ.**
23/II да — **УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.**
24/II да — **ЗОЛУШКА** (12.00), **БЎРОН** (19.00).
26/II да — **ФЛОРИЯ ТОСКА.**
27/II да — **ДУНЁНИНГ ЯРАТИЛИШИ.**
28/II да — **СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.**
29/II да — **КОРСАР.**

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.00 ДА БОШЛАНАДИ.
Билетлар театр кассасида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.
Справкалар олиш учун телефон — 33-90-81.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА

«ЮНОСТЬ» ҲАМИША СИЗ БИЛАН...

Уйда ҳам, йўлда ҳам. «ЮНОСТЬ—402» телевизори электр тармоғидан ва автомобиль аккумуляторидан қувват олиб ишлайди. Шу сабабли у сизга доимий ҳамроҳ бўла олади ва тасвирнинг яхши сифати билан сизни хушнуд этади.

«ЮНОСТЬ—402» ЮҚОРИ ТЕХНИК ПАРАМЕТРЛАРГА ВА МУКАММАЛ ЖИҲОЗГА ЭГАДИР.

Экрани диагонали бўйича 32 см.

Баҳоси — 220 сўм.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ КОММЕРЦИЯ-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.

СИЗНИНГ ТАКЛИФИНГИЗ:

БОЛАЛАРГА ҚАНДАЙ ПОЙАФЗАЛ КЕРАК?

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

29 ВА 30 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган болалар оёқ кийимларининг сифати ва ассортименти бўйича

ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

КОНФЕРЕНЦИЯ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

23— Ш. Руставели кўчаси, 43-уй;
28— Ш. Руставели кўчаси, 144-уй;
34— Юнусобод массиви, А. Дониш кўчаси. А—1, 55-уй.

Магазинлар соат 10.00 дан 19.00 гача (14.00 дан 15.00 гача танаффус) **ишлайди.**

«ТАШОБУВЬТОРГ».

«ЎЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/I да **Жизель** (12.00), **Бўрон** (19.00). 30/I да **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Спартак** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 29/I да **Уйланиш**, 30/I да **Истеҳком.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 30/I да **Нурхон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29, 31/I да **Можаро** (19.00).

КИНО

29 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОМАДИНГИЗНИ БЕРСИН» — **Москва, Лисунов номли.**
«НАЙРАМДАЛ — ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**
«СОҒЛОМ БЎЛИШ САНЪАТИ»— **Қозоғистон.**
«ВОЛГА БЎЙИ»— **Нукус.**
«ҚОР МЪЪЖИЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ»— **Санъат саройи** (17, 19.45, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51), **Чайка** (18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон 76-06-20); **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.45); **Нукус** (16, 18.30, 20,45, жавоб берувчи автомат телефон 46-70-69); **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92); **Дружба** (17, 18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон 66-15-75); **Восток** (17, 18, 20, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон 91-14-61); **Москва** (17, 20.00, жавоб берувчи автомат телефон 33-05-01).

«ПОЛКОВНИК ЗОРИННИНГ ТАЪМИНЛАРИ»— **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

30 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОМАДИНГИЗНИ БЕРСИН» — **Москва, Лисунов номли.**
«НАЙРАМДАЛ—ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**
«СОҒЛОМ БЎЛИШ САНЪАТИ»— **Қозоғистон.**
«ВОЛГА БЎЙИ»— **Нукус.**
«ҚОР МЪЪЖИЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ»— **Санъат саройи** (11, 14, 17, 19.45, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51); **Чайка** (11,30, 13.30, 16, 18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон 76-06-20); **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.45); **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон 46-70-69); **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92); **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон 66-15-75); **Восток** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон 91-14-61); **Москва** (11,30, 14, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат телефон 33-05-01).

«ПОЛКОВНИК ЗОРИННИНГ ТАЪМИНЛАРИ»— **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

ХОККЕЙ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

27, 28 январга белгиланган
«СК СЮ» (Уфа) — «БИНОКОР» (Тошкент)
командалари ўртасидаги учрашув
3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17.00 ва 4 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 га
КЎЧИРИЛАДИ.

«ТАШХЛАДОКОМБИНАТ»-НИНГ МОРОЖЕНОЕ ФАБРИКАСИГА

мороженое ва вафли маҳсулотларини тайёрлаш бўйича ишчилар, омборчилар, юкчилар, бухгалтерлар, аммиакли совутиш қурилмаларининг машинистлари, ускуналарни созловчи-слесарлар, қозонхона ўт ёқувчи машинистлари, электромонтёрлар, экспедиторлар, ишлаб чиқариш биноларини йиғиштирувчи фаррошлар, вахтёрлар, сут маҳсулотларини тайёрлаш бўйича мастерлар, ҳайдовчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари сиртқи бўлим декани, доцент Н. А. Ёқубовга онаси

Қумриниса АЛИХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

28 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р—02747 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64582 Нашр Б—2038. 10